

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

Кимё-металлургия факультети
Ижтимоий фанлар кафедраси

“Миллий истиқлол ғояси” фанидан

“Ислом эзгулик ва бағрикенглик дини” мавзусида

РЕФЕРАТ

Тайёрлади: 7 - 07 Икт.

Хасанова Ч.

Кабул килди: т.ф.н. Д.Исмоилова

“Ислом эзгулик ва бағрикенлик дини” мавзусидаги рефератга

Аннотация

4-босқич талабаси Хасанова Чароснинг “Ислом эзгулик ва бағрикенглик дини” мавзусидаги реферати бугунги кундаги долзарб мавзулардан бирини ёритишга қаратилган. Унда диний фундаментализм ва экстремизм ғояларининг шаклланиши тарихи атрофлича тахлил қилиб берилган. Ҳозирги кундаги экстремистик ғояларнинг мақсад муддаолари, ўз манфаатлари йўлида динни ниқоб қилиб олиб, ёшлар онгини захарлашга уринишлар ва бундай ғараз ниятли гуруҳларнинг пировард мақсад муддаолари очиб берилган. Ислом эзгулик ва бағрикенглик дини эканлиги, унда ҳеч қачон зўрлик ва жоҳиллик тарғиб қилинмаслиги тўғрисида талаба ўз қарашларини баён қилган.

Шунингдек рефератда бугунги кунда Ўзбекистонда динлар ва кишиларнинг эътиқодларига муносабат, дин ва виждон эркинлигининг мамлакатимизда қонун йўли билан кафолатланганлиги, турли диний конфессиялар фаолияти ва диний маросимларни ўтказишга ҳукуматимиз томонидан яратилган шарт-шароитлар батафсил ёритилган.

Мавзу: Ислом эзгулик ва бағрикенглик дини

Режа

1. Диний фундаментализм ва экстремизм ғояларининг шаклланиши
2. Ҳозирги кундаги экстремистик ғоялар ва уларнинг кўриниши.
3. Ўзбекистонда динлар ва кишиларнинг эътиқодларига муносабат

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

**Биз ислом дини ота-боболаримиз дини экани, у
биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам
диёнат, ҳам маърифат эканини
доимо юксак қадрлаймиз. Аллоҳ
бизнинг қалбимизда, юрагимизда.**

И.А. Каримов

Кириш

Ислом дини ҳаёт фалсафаси экани, у жамият аъзоларини энг юксак инсоний фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашини, инсонпарварлик, халқпарварлик, адолат, ҳалоллик, бошқа миллатлар динларига эҳтиром, олийжаноб ахлоқни тарғиб этишини яхши англаб етмоқ, ислом тарихидан хабардор бўлиб, ватандош уламоларимизнинг ислом тараққиётига қўшган ҳиссаларини билмоқ, аввало ислом дини, унинг таълимоти қандай эканлигини онгли равишда тушунмоқ ва билмоқ мустақил республикамизнинг ҳар бир фуқароси учун муҳимдир.

Кези келганда шуни айтиш керакки, собиқ совет даврида республикамиз учун исломшунос кадрлар тайёрлаш масаласи мутлақо эътибордан четда қолди. Ислом дини билан алоқадор тадқиқотлар ҳам атеизм нуқтаи назаридан амалга оширилиб, исломий қадриятлар атайлаб қоралаб кўрсатилди. Ислом назарияси ва амалиётини пухта эгаллаган дунёвий олимлар тайёрлаш у ёқда турсин динни халқ онгидан умуман сиқиб чиқариб, ўрнига коммунистик мафкурани зўрлик билан киритишга ҳаракат қилинди. Шу жиҳатдан олиб қараганда собиқ совет даврида динга ўтказилган тазйиқ ўзининг салбий оқибатини кўрсата олди.

Мактабларда коммунистик таълим-тарбиянинг маҳсули шундай бўлдики, ёш авлод диний эътиқоддан бебаҳра бўлди.

Дин ва унинг тарихи, диний ғоялар ва диний қадриятларни қораловчи турли хил адабиётлар таъсирида уларда динга қарши нотўғри қарашлар шаклланди.

Мустабид тузум коммунистик ғояга зид бўлган ҳар қандай қарашларга нисбатан кескин муросасиз эди. Ҳар қандай диний урф-одатлар, қадриятлар “эскилик сарқити” деб қораланди. Диний маросимлар чекланди. Бу йилларда республикада кўплаб масжид, мадрасалар ёпиб қўйилди. Улар турли омборхоналарга айлантирилди.

Масжидлар бузилганлиги, диний уламолар фаолиятига чек қўйилганлиги сабабли диний марака ва маросимларни ҳар ким ўз билганича ўтказаверди. Диний таълимотларни ҳар ким ўз билганича шарҳлайверди. Оқибатда диний эътиқод сусайиб, халқ диний қадриятларни унутиш даражасига келди.

Қайта куриш йилларида сўз, матбуот эркинлигининг берилиши халқнинг сиёсий фаоллигини оширди. Халқ миллий ва маънавий қадриятларни тиклашга интилдиги. 1989 йилда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши бу йўлдаги дастлабки натижалардан бири бўлди. Маънавий меросимизни тиклашга бўлган интилиш кучайди. Матбуотда илк бор диний таълимотларни шархловчи мақолалар эълон қилина бошланди.

Айниқса, И.А. Каримовнинг республикаимиз президенти этиб сайланганидан кейин бу соҳада миллат манфаатларини хошиш-истакларини ҳимоя қилувчи ислохотлар ўтказила бошланди. 1990 йил 2 июнда И.А. Каримовнинг «Саудия Арабистонига ҳаж қилиш тўғрисида»¹ги фармонининг эълон қилиниши халқимиз хошиш истоаклари амалга ошишининг, диний, маънавий қадриятларимиз тикланишида муҳим қадам бўлди.

1. Диний фундаментализм ва экстремизм ғояларининг шаклланиши

Тарих сабоқлари барча динларнинг ривожланиши мураккаб, зиддиятли шароитларда амалга ошганини кўрсатади. Бу борадаги зиддиятлар илк ўрта асрчилик, шароитидаги ижтимоий фикр, маданият, фан ва техника тараққиётида юзага келган кашфиётларда, ғоялар ва маънавий эътиқодларга мос келмай қолганлиги натижасида юз берган. Бундай шароитларда ҳурфикрчилик, эътиқодий бағрикенглик йўлидан бораётган илғор мутафаккирлар диннинг моҳияти, жамият ҳаётидаги ўрнини инкор этмаган ҳолда, айрим ақидаларга янгича қараш, давр руҳи билан боғлиқ равишда уларни таҳлил этиш масаласини кун тартибига қўйдилар. Айрим руҳонийлар эса бу фикрларга қарши чиқиб, диний ғояларни илоҳиёт томонидан белгиланган мангу ҳақиқат деб талқин этдилар. Фундаментализм ва диний экстремизм ўша даврдаёқ шаклланган. Фунтаменталистлар диний ақидаларни мутлоқ ҳақиқат, деб билишиб, улардан чекинишни гуноҳ деб ҳисоблаган бўлсалар, экстремистлар ўз мақсадларини зўравонлик, зўрлик йўли билан амалга оширишга ҳаракат қилдилар.

¹ Совет Ўзбекистони газетаси. 1990 йил. 3 июн.

Ўрта асрларда Европада ривожланган христиан инквизицияси ҳам ашаддий диний экстремизмнинг ўзига хос бир кўриниши эди. Фақат Испаниянинг ўзида 1481-1808 йилларда 345652 киши инквизиция қурбони бўлди. Турли ҳукмдорлар, сиёсий кучлар кишиларнинг диний эътиқодларидан ўз мақсадлари ва манфаатларини амалга ошириши учун ҳаракат қилиши ҳам диний экстремизмнинг шаклланишига сабаб бўлган омиллардандир.

Ислом динида фундаментализм, экстремистик ҳаракатлар ҳам ўзнинг узоқ тарихига эга. Шу сабабли ислом динида мавжуд бўлган экстремистик йўналишларни фақат XVIII аср бошларида юзага келган сиёсий ҳаракат деб бўлмайди. Бу ўринда ислом динидаги экстремистик ҳаракатлар кучайишига замин бўлган учта асосий сабабни кўрсатиш мумкин.

Булар қуйидагилар:

1. VII-IX асрларда араб халифалиги таркибига кирган барча мамлакатлардаги интеллектуал ҳаёт соҳасида ислом асосий ғоя бўлган. Бу даврларда табиат, жамият инсон ҳаёти ва моҳияти билан боғлиқ бўлган кўплаб масалалар ислом ақидалари асосида талқин этилган. VIII аср ўрталари ва IX асрда исломда турли мазҳаблар, йўналишлар шакллана бошлади. Бу мазҳабий эътиқодларга қарши курашиш зарурияти калом таълимоти – илоҳиётнинг пайдо бўлишига олиб келди. Калом таълимоти мутакаллимчилар ўртага қўйган фикрларда ўз ифодасини топди. Уларнинг фикрича, Қуръон Оллоҳ томонидан юборилган, унинг мазмунини ҳар ким ўз билганича талқин этиши мумкин эмас, уларга қарши бўлганлар (мутазаллийлар) эса Оллоҳнинг мавжудлигини инкор этмасалар ҳам, исломга рационалистик элементларни киритишга, Қуръон ва суннатдаги ақидаларни ақл-идроқка таяниб талқин этишга ҳаракат қиладилар. Бундай фикрлар IX – X асрларда яшаган мутафиккирлар Ал-Киндий, Закарийё, Ар-Розий ва бошқаларнинг фалсафий қарашларида ўз ифодасини топди. X-XII асрларга келиб, сўфийлик таълимоти билан боғлиқ равишда турли шакллардаги ҳурфикрлик ривожланди. Ҳурфикрлик ғоялари тарафдорлари ҳам ижтимоий фикр, маданият ва фан тараққиётининг янги даврдаги ютуқларига таяниб, ислом динининг айрим ақидаларига янгича қарай

бошладилар. Буюк шоир, мутафаккир Умар Ҳайёмнинг куйидаги рубойси ҳам ҳур фикрлашнинг намунасидир:

Азалдан лойимни қорганда худо
Биларди феълимдан не бўлур пайдо
Амридан ташқари эмас гуноҳим,
Не учун маҳшарда беради жазо?

Бу рубойда ислом динининг тақдири илоҳий ғояларига нисбатан рационалистик ёндошиш яққол кўзга ташланади.

Сўфийларнинг “вахдат ул-вужуд”, “вахдат ул-мавжуд” ҳақидаги ғояларида ҳам ислом динининг ақидавий мезонларига мос келмайдиган томонлари бўлган. Ана шундай шароитда мусулмон экстремистлари ислом динидаги эътиқодий бағрикенглик принциплари чегарасидан чиқиб, рационализм ва ҳурфикрликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш олиб бордилар. Кўплаб мутафаккир сўфийларнинг таъкиб этилиши, кофир деб эълон қилиниши, Мансур Ҳаллож, Бобораҳим Машраб ва бошқаларнинг қатл этилиши ҳам ҳурфикрликка мурасасиз кураш олиб борган экстремистларнинг ишидир.²

2. Кўплаб мусулмон мамлакатлари халқлари XVII-XIX асрларда мустамлакачилик асоратига тушиб қолиши, уларнинг маданий мероси, диний эътиқоди камситилиши, бойликларининг талон-тарож қилиниши ажнабий босқинчиларга қарши курашни кучайтиради. Бунинг натижасида мусулмон мамлакатларида бошқа динларга эътиқод қилувчи халқларга қарши мурасасиз кураш олиб боришга чорловчи экстремистик ҳаракатлар ҳам авж олди.

3. Халқаро империализм ва коммунизмнинг мустамлакачилик зулми барбод бўлиб, мусулмон халқлари ўз мустақиллигини қўлга киритгач, экстремистлар эски араб халифалигини тиклаш, мустақил мусулмон мамлакатларини бирлаштириб ягона ислом давлатини тузиш, бошқа барча динларга мурасасиз муносабатда бўлиб, ислом ғояларининг бутун дунёда ҳукмронлигини таъминлаш, ўрта асрчилик давридаги ақидаларни тиклаб,

² Юсупов Э. Ислам ва экстремизм. – Т., 1999. 13-бет.

уларни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий тараққиётнинг ягона мезони сифатида қабул қилиш билан фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқини паймол этиш йўлига ўтиб олдилар. Бу сиёсий ҳокимият учун курашнинг ўзига хос бир йўли эди. Бу мақсадлар йўлидаги курашда экстремистлар ислом динининг ҳақиқий инсонпарварлик қадриятлари, эътиқодий бағрикенглик принципларидан ҳам чекина бошладилар, дунёвий демократик тараққиёт йўлларига, мусулмон дунёси халқларининг ўз миллий мустақиллигини таъминлаш йўлидаги ҳаракатларига ҳам қарши бўлган ўта сиёсий таълимотга айланди.³

2. Ҳозирги кундаги экстремистик ғоялар ва уларнинг мақсадлари. Ҳозирги кунда ислом байроғи остида ҳаракат қиладиган экстремистлар фаолияти заминида қуйидаги асосий мақсадлар ётади:

- Илк ўрта асрларда шаклланган диний ақидаларни мутлоқлаштириш, уларни барча даврлар ва шароитлардаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, илмий, ахлоқий, ҳуқуқий масаларни ҳал этишнинг ягона мезони сифатида кўрсатилади;

- Ўзларининг сиёсий мақсадларини кўрсатиш мақсадида ва бу мақсадларини оқлаш мақсадида диний ақидалардан, аҳолининг диний туйғуларидан кенг фойдаланиш, муаян манфаатларга асосланиб, жамоатчилик фикрини чалғитиш, ҳуқуқий исломий қадриятларни сохталаштириш;

- Соф ислом учун кураш байроғи остида бинни замон руҳи, имкониятлари, эҳтиёжлари асосида талқин этиш ва такомиллаштиришга қаратилган ҳаракатларга ҳурфикрликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши муросасиз кураш олиб бориш;

- Ёшлар замонавий фан, техника, технология, маданий ютуқларни ўрганиш ва эгаллашига қарши чиқиш, диний ақидаларни инсон маънавий камолотини белгилашнинг ягона тўғри йўли, деб кўрсатиш;

³ Юсупов Э. Кўрсатилган асар. 14-бет.

- Мусулмон мамлакатлари халқларининг ислом динидан минглаб йиллар олдин юзага келган миллий мероси, маънавий, ижтимоий қадриятларни қоралаш, уларни бидъат ва хурофотнинг кўриниши сифатида баҳолаш;

- Ислоннинг ягона ҳақиқий дин, деб эълон қилиш, мусулмонлар билан бошқа динларга эътиқод қилувчи халқлар, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштиришга интилиш;

- Ўрта асрлардаги араб халифалиги тиклаш, жаҳонда ягона мусулмон давлати барпо этиш шиори остида ўз миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилаётган давлатлар олиб бораётган сиёсатни қоралаш, улардаги ички сиёсий, ижтимоий, иқтисодий вазиятни кескинлаштиришга уриниш;

- Ислон динидаги мазҳабий тафовутларга бир йоқлама баҳо бериш, бирини оқлаб, иккинчисини қоралаб, бир мамлакатларда яшовчи мусулмонлар ўртасида муносабатларни (зиддиятларни) муросасизлик курашларини кучайтириш;

- Турли динларга мансуб бўлган кишилар ўртасида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, оилавий, шахсий муносабатларни чеклаш ва чегаралашга ҳаракат қилиш. Масалан, осетинлар икки динга эътиқод қилувчи бир миллатдир. Диний тафовутлар туфайли уларнинг бир-бирлари билан бўлган алоқаларни чеклаш асло умуммиллий тоифаларга мос келмайди.⁴

Экстремистлар ўрта асрлар ақидаларини тарғиб этишда ташвиқот ишларигагина эмас, балки, зўрлик, куч ишлатиш воситаларига, қотилликка, оммавий қирғинлар уюштиришга ҳам катта эътибор берадилар.

Экстремистлар ягона мусулмон давлатини тузий ғояси асосида мустақил мусулмон давлатларидаги, айниқса, яқинда ўз мустақиллигини қўлга киритиб, дунёвий тараққиёт йўлини танлаб олган ижтимоий-сиёсий вазиятни кескинлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Жазоирлик экстремист Ахмад Аруанинг фикрича, ҳозирги шароитда миллий мустақилликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилиш мусулмон дунёси бирлигини бузишга интилишдан бошқа нарса эмас.⁵ демак, уларнинг фикрича, ҳозирги кундаги

⁴ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т. 2005. 82-бет

⁵ Юсупов Э. Ислон ва экстремизм. – Т., 1997. – Б. 16.

асосий вазифа ягона ислом давлатини куриш, эски мусулмон ҳалифалиги тиклашдан иборат. Бу мақсадга эришиш учун куч ишлатишдан ҳам қайтмаслик керак эмиш.

Ўз халқини мамлакатини мустақил тараққиёт йўлидан олиб бораётган раҳбарларга суиқасд уюштириш ҳам шу мудҳиш режалар тизимига киритилган.

Бу фикрлар ХХІ асрдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий тараққиёт эҳтиёжлари ва имкониятларига зиддир.

Ана шундай экстремистик қарашлар, ҳаракатлар ривожланишида Эрондаги “Ислом инқилоби” раҳнамози Оятулло Руҳилло Хомаинининг ўрни катта. У ҳам бутун дунёда теократик ислом давлати тузишни ўзининг асосий мақсади қилиб белгилаган эди. Бунинг учун эса. Биринчи навбатда, барча мусулмон мамлакатларида юқори мавқега эга бўлган руҳонийларнинг тўла ҳукмронлигини таъминлаш керак эмиш. Оятулло Руҳиллонинг бу ғоялари Эрон Конституциясида ҳам ўз ифодасини топди. Бу Конституцияга биноан Эронда руҳонийларнинг ҳукмронлиги белгиланган.

Ҳозирги кунда ривожланган экстремистик ҳаракатлар қаторига “мусулмон биродарлари”, “толиблар”, “вахҳобийлар” ҳаракатлари кирди. Улар ўртасида кичик тафовутлар бўлса-да барчаси моҳияти, мақсади жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган ҳаракатлардир.

Яқин Шарқ ва шимолий Африкада ривожланган “мусулмон биродарлари” ҳаракатининг ғоявий асосчиси мисрлик мактаб ўқитувчиси Ҳасан Банни ҳисобланади. Унинг фикрича, “мусулмон биродарлари” ғоялари мусулмонларнинг ва диний Ғарб маданияти ва атеизм таъсирида бузилишга йўл бермайдиган таълимот сифатида юзага келди. Ҳасан Баннининг фикрича, ислом мусулмонлар учун ақида ва эътиқод, жон ва миллат, дин ва давлат, руҳ ва танадир. Мусулмонларнинг қуроли Қуръон ва қиличдир. Шунинг учун барча мусулмонлар ўзининг шахсий, ижтимоий, сиёсий, миллий ҳаётини энг қадимий исломий ақидалар асосида куриши керак. Фақат шу йўл билан жамият ва шахс ҳаётидаги барча қийинчиликларни бартараф қилиш мумкин эмиш. Бу мақсадлар “мусулмон биродарлари” ҳаракати иштирокчилари олдига қўйилган қуйидаги шартларда ўз ифодасини топган: “Мусулмонлар исломнинг шуҳратини тиклашлари кераклигига ишонаман... Ислом

байроғи бутун инсоният устида ҳилпираб туришига ишонаман.... Мусулмонларнинг қолоқлиги улар динидан чекинганликлари сабабли юзага келганига ишонаман”.⁶

“Мусулмон биродарлари” асоссацияси низомида ҳам шундай фикрлар ёзилган: “Оллоҳнинг ҳикматлари менинг қалбимда. Кучим борица исломнинг ғоялари ахлоқ борасида ҳукмрон бўлишини таъминлашга ҳаракат қиламан. Ислоннинг бу мавқеини заифлаштиришга олиб келадиган ҳурфикрлик ва атеизмга қарши курашаман”.⁷

Ҳасан ибн Банни ўзининг асосий сиёсий мақсадлари устида тўхталиб шундай фикрларни айтган: “Имперализм мусулмон дунёсини бўлиб ташлади. Биз ислом дунёсининг барча қисмлари бирлашишга ҳаракат қиламиз. Биз ватанизмни сиёсий манфаатлари асосида бўлиб ташланишига рози бўлмаймиз. Бизнинг ватанизмиз барча мусулмон мамлакатларидир”.⁸

“Мусулмон биродарлари”нинг ғоявий раҳномаларидан яна бири Саид Котибдир. Унинг фикрича, “Мусулмонлар учун алоҳида миллат бўлмайди. Уларнинг миллати исломдир. Бир динга мансубликдир”.⁹

“Мусулмон биродарлари” ўз ғояларини амалга ошириш учун сиёсий ҳокимиятни қўлга олишни мақсад қилиб қўйганлар. Шундай мақсадлардан келиб чиқиб, Мисрда, Жазоир ва бошқа давлатларда сиёсий ҳокимиятни куч ишлатиш билан қўлга олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ваҳобийлар ҳам аввал бошдан бошлаб ислом динини тозалаш, уни асл ҳолатига қайтариш, жамиятнинг турли соҳаларидаги мавқеини кучайтириш, исломни ҳукмрон динга, давлатни эса куч ишлатиб ислом давлатига айлантириш, динни модернизация қилиш, унга янгиликлар киритишга қаратилган сиёсий ҳаракат сифатида юзага келган.

Уларнинг фикрича Муҳаммад пайғамбар вафотидан кейин мусулмонлар ўртасидаги маънавий бузилиш натижасида ислом динининг ҳақиқий моҳиятидан чекиниш бошланган. Ҳокимиятпараст раҳбарларнинг молу-дунёга меҳр қўйиши,

⁶ Левин З.И. Ислам и национализм в странах зарубежного Востока. Москва.: Наука. 1988. – С. 103

⁷ Левин З.И. Кўрсатилган асар. – Б. 103

⁸ Левин З.И. Кўрсатилган асар. – Б. 103

⁹ Алиев Р.Я. Ислам в концепциях национального социализма. Баку, 1987. – С. 108.

маънавий тубанлашиш ботқоғига ботиши, халқаро империализм ва коммунизмнинг исломнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини камситишга қаратилган ҳаракатлари натижасида кўплаб қадимий исломий қадриятларга эътибор заифлашибкетган. Улар кўплаб давлат бошлиқларини, жумладан, Бухоро амирларини ҳам ҳақиқий исломдан чекиниб, дунёпарастлик, маишатпарастлик ботқоғига ботишда айбладилар. Улар бутун мусулмон дунёсида сўнгги асрларда юз берган инқирозий ҳолатларни ҳукмдорларнинг ҳақиқий диний қадриятлардан чекиниши билан боғламоқчи бўлдилар. Мусулмон дунёсида янги мустақил давлатлар пайдо бўлишини ислом дунёсининг бўлиниши, ислом дунёси бирлигига тўсқинлик қилувчи ҳаракат деб баҳоладилар. Тарихий шахслар ва азиз авлиёларнинг қабрларига сиғиниш, уларга атаб мақбаралар қуришни ҳам исломга зид бўлган хурофот белгиси деб баҳоладилар.

Уларни ғоявий таъсир кўрсатиш йўли билан ўз сафларига тортиш масаласи ваҳобийлар ҳаракатида асосий ўрнин эгаллайди. Уларнинг фикрича, ҳақиқий мусулмонлар бошқа динга эътиқод қилувчилар билан ҳеч қандай алоқа қилмасликлари керак. Мусулмон киши бошқа динга мансуб кишилардан узоқроқ бўлишлари керак. Улар билан ҳар қандай мулоқотдан воз кечишлари керак. Ваҳобийлар ва бошқа фундаменталистлар соф ислом ғояларини тиклаш учун ҳаракат қилаётганликлари ҳақида жар соладилар. Аслида ҳар қандай дин давр руҳи ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар асосида доимо ривожланиб боради.

Одамларга бирон-бир ғояни, эътиқодни, зўрлаб сингдириб бўлмайди. Зўрлик билан сингдирилган ғоя инсонга таъсир этса ҳам, унинг маънавий эътиқодига айлана олмайди. Жамият доимо ривожланишда бўлганлиги сабабли, кишиларнинг эътиқодий эҳтиёжлари ҳам доим бир чегарада қолиб кетиши мумкин эмас. акс ҳолда инсон маънавий юксалиши, жамият тараққиёти бир нуқтада қотиб қолган бўларди.

2. Мустақил Ўзбекистонда динлар кишиларнинг эътиқодларига муносабат

- Ўзбекистон мустақилликка эришгач мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётида қўлга киритилган катта ютуқлардан бири – кишиларга виждон эркинлиги ҳуқуқи берилиши бўлди. Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи Ўзбекистон Конституциясида ўз ифодасини топди. Конституциянинг VII боб,

31-моддасида виждон эркинлиги тўғрисида шундай деб белгилаб қўйилди: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳея қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.”¹⁰ Мазкур моддага кўра давлат ҳар бир фуқаронинг виждон эркинлигини кафолатлайди. Яъни кишиларнинг виждон эркинлиги давлат сиёсати даражасига кўтарилади. Кишиларнинг қайси динга эътиқод қилишлари, ёки бирон-бир динга эътиқод қилмасликлари уларнинг шахсий ишидир. Бирон-бир дин, диний қарашлар мажбуран сингдирилиши давлат томонидан таъқиқланади. Ана шу тариқа Ўзбекистонда кишиларнинг виждон эркинлиги таъминланди. Бундан ташқари Конституциянинг 18-моддасида “.... барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар”.¹¹ Мазкур қоидага кўра фуқароларнинг диний эътиқодидан қатъий назар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги таъкидланган. Диний қадриятлар миллат маънавиятининг ажралмас қисми эканлигини инобатга олсак, мазкур қонуннинг амалий аҳамияти ойдинлашади. Шундай қилиб, Ўзбекистонда ва умуман собиқ СССРда совет тоталитар тузуми емирилганидан кейин инсон маънавий камолотининг муҳим омилларидан бўлган дин жамиятимиз ҳаётида ўзига муносиб ўринни эгаллади. 136 миллат, 15 та диний конфессия вакиллари тинч, тотув яшаётган Ўзбекистонда барча динларнинг тенглигини таъминлаш, фуқароларнинг эркинлигига ҳурмат билан қараш, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий тараққиёт имкониятларини кенгайтиришнинг муҳим шартларидандир. Мамлакатимизда яшовчи аҳолининг асосий қисми мусулмон бўлганлиги сабабли ислом динининг ижтимоий ҳаётимиздаги, инсон маънавий камолотидаги ўрни ортиб бораётганлиги ҳам кўз юмиб бўлмайдиган ҳодиса ҳисобланади. Ислом дини асрлар давомида кишиларни аҳилликка, ҳамкорликка ва ҳамжиҳатликка чорлаган, зўрлик ва зўравонликни, адолатсизликни қоралаган. Ҳар бир шахсни ҳалоллик,

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2010 й

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2010

имонлилик, инсонфлилик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга катта таъсир кўрсатган. Ўн тўрт аср давомида ислом қадриятлари ўзбек халқининг бир неча минг йиллик тарихий анъаналари, урф-одатларига ҳам чуқур сингган, уларни ривожлантирган. Ислом динининг жамият ҳаёти ва тараққиётида тутган ўрнини кўрсатиб, Ўзбекистон Президенти И.А. каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари” асарида қуйидаги фикрларни айтган: “Биз динни бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилишига тарафдоримиз.”¹²

Совет тоталитар тузуми шароитида кишиларнинг диний эътиқодлари бутунлай оёқ ости қилинган, диний ташкилотларнинг асосан таъқиқланган эди. 1990 - йилга қадар Ўзбекистонда 83 та масжид бўлиб, уларнинг фаолияти ва намоз ўқишга борадиган кишилар қаттиқ назорат остида бўлишган.

Ислом динининг фарзларидан бири бўлган ҳаж қилиш зиёратига 1990 йилда Ўзбекистонда атиги бир неча киши бориб келган бўлса, ҳозирги кунда биргина Навоий вилоятидан 2010 йили 70 дан ортиқ фуқаро ҳаж амалларини бажариб келдилар. Республикамиз бўйича ҳозирги кунда 2104 та диний ташкилот, шу жумладан, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси, рус православ черкови, Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси, Евангел христиан баптистлар черковлари иттифоқи, Рим католик черкови, тўлиқ инжил яхудийлар жамоаси, етита бахорийлар жамоаси, иккита кришнани англаш жамияти ва ўн учта диний ўқув юрти давлат рўйхатидан ўтган. Ўзбекистонда дунёвийлик билан динийлик ўртасида андоза сифатида қўллаш мумкин бўлган янги нисбатнинг шаклланиши натижасида динлараро бағрикенглик ва миллатлараро тотувликнинг таъминланганлиги, қолаверса, табарруқ заминимизнинг азалдан умумжаҳон тамаддуни марказларидан бири бўлгани барчага аён. Буни исботи сифатида АЙСЕСКО ташкилоти томонидан 2007 йилда Тошкент

¹² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 44

шаҳрига Ислом маданияти маркази унвонининг берилишини ҳам келтиришимиз мумкин.¹³

Дунёдаги мусулмон давлатларини уч гуруҳга бўлиш мумкин.

1) Ислом мамлакатлари

2) Ислом давлат дини мамлакатлари

3) Ҳуқуқий демократик мусулмон давлатлари (дин давлатдан ажратилган)

Ўзбекистон ана шу учинчи турдаги ҳуқуқий демократик давлатлар қаторидан жой олган. Ўзбекистон ўзининг демократик тараққиёт йўлини белгилаб олар экан, мустақилликнинг дастлабки йиллариданок диний ҳуқуқ асосларини ишлаб чиқди. 1991 йил “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғриси”даги қонун¹⁴нинг қабул қилиниши Ўзбекистон фуқаролари ва диний ташкилотлар билан давлат органлари билан ўзаро муносабабтарининг ҳуқуқий асосини яратди. Хусусан, унинг учинчи моддасида шундай деб белгиланди “Виждон эркинлиги – фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро ўзининг динга, динги эътиқод қилишга ёки, эътиқод қилмасликка, ибодат қилишда диний расм русумлар ва маросим–ларда қатнашаш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабабтини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбурлашга йўл қўйилмайди.

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ихтиёрига ота-оналари ёки уларни ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди.

Динга эътиқод қилиш ёки ўзига эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин”.¹⁵ Мазкур моддага кўра, вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб қилиш қонун йўли билан таъқиқланади. Шунингдек, уларга

¹³ Тафаккур. 2007 йил, 20 феврал

¹⁴ Халқ сўзи газетаси, 1991 йил, 14-июл.

¹⁵ Хусниддинов З. Ислом – йўналишлар, мазаҳлар, оқимлар. – Т.:Энциклопедия. 2000. – Б. 151-152.

диний тарбия беришда ҳам уларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг бевосита розилиги бўлиши лозим.

Бешинчи моддада эса, шундай деб белгиланган: “Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларга нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроа ва ҳурмат ўрнатилишига қўмаклашади, диний ва диний мутаасибликка ҳамда экстремизмга муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймайди

Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар, шунингдек бошқа ҳар қандай миссонерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қондани бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортилади.”¹⁶ Ушбу моддага кўра давлат олдида ҳамма дин ва диний эътиқодлар бирдир. Уларнинг ҳеч бирига алоҳида имтиёзлар берилмайди. Шунингдек диний ташкилотлар ва турли динга эътиқод қилувчи фуқаролар бир-бирлари билан муроада ва ҳурмат эътиборда бўлишлари тарафдори. Давлат ҳудудида миссионерлик фаолияти олиб борилиши қонун йўли билан ман қилинади. Қонуннинг олтинчи моддасида диний ишлар бўйича қўмита зиммасига қуйидаги вазифа юкланади “Давлат органлари билан диний ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита зиммасига юклатилади. Қўмитанинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси

¹⁶ Хусниддинов З. Ислоҳ – йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Т.:Энциклопедия. 2000. – Б. 153-154.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низом билан белгиланади.”¹⁷ 18-моддада диний ташкилотлар тузиш шартлари белгиланган. Жумладан унда шундай дейилади: “Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг 100 нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси билан тузилади. Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга ошириш мумкин.”¹⁸ Шу жойда 19- моддани ҳам келтириб ўтишни лозим топдик. Унда “Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материалларини Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқишга, экспорт ва импорт қилишга ҳамда тарқатишга ҳақлидир.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган матбаа нашрларини, кино-фото, аудио, видео маҳсулотларини ва шу каби бошқа маҳсулотларни тайёрлаш ва сақлаш, тарқатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.”¹⁹ Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақидаги Ўзбекистон республикаси қонунидан қуйидаги иккита асосий хулоса келиб чиқади:

- 1) Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий ва дунёвий жамият қуриш концепциясида диний, маърифий, маънавий омиллар умумий силсиласига кирувчи барча миллий қадриятлар қатолрига тенг ҳуқуқли қадрият сифатида тан олинади. Мустақил ривожланиш йилларида ушбу мезоннинг ҳаётга нечоғлик изчил тадбиқ этилаётганлигини фақат қалби кўр, адолатга хусумат билан муносабатда бўлган кимсаларгина инкор этиши мумкин.

¹⁷ Хусниддинов З. Ислом – йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Т.:Энциклопедия. 2000. – Б. 154-155

¹⁸ Хусниддинов З. Кўрсатилган асар. – Б. 155

¹⁹ Хусниддинов З. Кўрсатилган асар. – Б. 156

- 2) Соф диний эҳтиёжларни қондиришдан ташқарида бўлган ҳар қандай ғаразга эришиш йўлида диний омилдан фойдаланишга интилиш қатъиян ман этилади.

Демак, давлатимизнинг динга бўлган муносабати қандайдир конъюнктур ёки муваққат тактик мулоҳазалар билан белгиланмайди, балки, диннинг ижтимоий ҳаётидаги муҳим омиллиги идроки ва эътирофига таянади.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон республикаси фуқароларининг дунёвий жамиятда диний омилнинг ҳақиқий ўрни ҳақидаги тасаввур тобора такомиллашиб, асосан демократик мезонларга ҳамоҳанг тарзда шаклланиб бориб. Бироқ, турли хил, жумладан, хорижий манбалардан озиқланаётган, лекин асл мақсади ягона- ўзининг шахсий ва тоифавий ғаразларига эришиш учун диний ниқобдан фойдаланишга уринаётган, давлат ва дин ўртасидаги муносабатларнинг табиий ривожига путур етказишни кўзлаётган унсурлар ҳам оз бўлса-да йўқ эмас. Умумэътироф этилган демократик ва хурфикрлик тамойилларига асосланган давлат ва дин ўртасидаги янгича муносабатларни Ўзбекистон республикаси фуқаролари онгига чуқур сингириб бориш, ҳар қандай фундаменталистик ва экстремистик ҳаракатларнинг олдини олиш- жамиятимиз олдида турган энг муҳим вазифалардандир. Мазкур вазифанинг мувофақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан жамиятимиз ақлий салоҳиятининг таянчи бўлган зиёлилар, хусусан, уларнинг ёш авлод тарбияси билан шуғулланаётган қисмининг саъй-ҳаракатлари билан боғлиқлигига шубҳа йўқ.

Х У Л О С А

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ислом динидаги фундаментализм, экстремистик ҳаракатлар ўзининг узоқ тарихига эга. Шу сабабли ислом динида мавжуд бўлган экстремистик йўналишларни фақат яқин ўтмишда юзага келган сиёсий ҳаракат, деб айтиш нотўғридир. Динлараро бағрикенглик ғояси – хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир ватанда, олийжаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Қадим қадимдан дин аксарият маънавий қадриятларни ўзида мужассам этиб келган. Миллий қадриятларнинг асрлар оша безавол яшаб

келаётгани ана шу табиати билан боғлиқ. Чунки дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади, яхшилик, дўстлик каби фазилатларга таянади. Одамларни халоллик ва поклик, меҳр-шавқат ва бағрикенгликка даъват этади.

Ҳозирги замонда бу ғоялар эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг ҳамкорлигини назарда тутди. Тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Азал-азалдан ислом диёримизда насронийлик, иудаизм каби динлар билан ёнма-ён яшаб келган. Асрлар мобайнида йирик шаҳарларимизда масжид, черков ва синагогаларнинг мавжуд бўлиши, турли миллат ва динга мансуб кишиларнинг ўз диний амалларини эркин бажариб келаётгани фикримизнинг далилидир. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар ўртасида диний масалалар бўйича можаролар бўлмагани халқимизнинг динлараро бағрикенглик борасида катта тажрибага эга эканлигини исботлайди. Бугунги кунда мамлакатимизда ўндан ортиқ конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Ислоннинг асоси бўлган Қуръони каримнинг жуда ҳам кўп оятлари кишиларни бағрикенгликка, эзгу амалларни бажаришга даъват этади. Зеро ислом дини ўз моҳиятига кўра, меҳр-оқибат каби эзгу туйғулар орқали миллий истиқлол мафкурасининг ғояларини юртдошларимиз қалби ва онига синдиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2010
2. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.:Маънавият 2008.
3. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-китоб, -Т.: Ўзбекистон. 1999
4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон. 2000
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ. 1998
6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. - Т.: «Ўзбекистон», 2005.
7. Каримов И.А. Буюк мамлакатнинг буюк байрами. Ўзбекистон мустақиллигининг 19 йиллигига бағишлаб қилинган маъруза.
8. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-марифий асослари. – Т.,2005.
9. Левин З.У. Ислам и национализм в странах зарубежного Востока. М.: Наука. 1988.
10. Совет Ўзбекистони газетаси. 1990 йил. 12 июн.
11. Юсупов Э. Ислам ва экстремизм. – Т., 1999.
12. Халқ сўзи газетаси. 1991 йил. 20 июл.

13. Хусниддинов З. Ислом – йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Т.:
Энциклопедия. 2000.